

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА БУГУНГИ КУНДАГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Хушбоқова Нигора Ғайрат қизи

Термиз давлат университети Юридик факультети Юриспруденция таълим йўналиши 2-  
босқич талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6981571>

**Аннотация.** *Жиноят қонунчилигидаги ўзгаришларни кенг оммага тушунтириш, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига амалдаги ва янги қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини шарҳлаш, шунингдек бўлажак ҳуқуқшунос-ларнинг жиноят ҳуқуқидан билим ва кўникмаларини давр талабларига мос ҳолда шакллантириш долзарб вазифалар ҳисобланади.*

**Калим сўзлар:** *жиноят ҳуқуқи, жиноятчилик динамикаси, жиноий репрессия, конкретлаштириш, криминаллаштириш ва декриминаллаштириш асослари.*

### ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ УГОЛОВНОГО ПРАВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И СЕГОДНЯШНИЕ ПЕРСПЕКТИВЫ

**Аннотация.** *Разъяснение изменений в уголовном законодательстве широкой общественности, в первую очередь, разъяснение сущности действующих и вновь принимаемых законов сотрудникам правоохранительных органов, а также знание уголовного законодательства будущими юристами и формирование навыков в соответствии с требованиями времени считаются неотложными задачами.*

**Ключевые слова:** *уголовное право, динамика преступности, уголовная репрессия, конкретизация, основы криминализации и декриминализации.*

### THE HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF THE CRIMINAL LAW OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND TODAY'S PROSPECTS

**Abstract.** *Explaining changes in criminal law to the general public, first of all, explaining the essence of existing and newly adopted laws to law enforcement officers, as well as knowledge of criminal law by future lawyers and the formation of skills in accordance with the requirements of the time, are considered urgent tasks.*

**Keywords:** *criminal law, crime dynamics, criminal repression, concretization, bases of criminalization and decriminalization.*

### КИРИШ

Суд-ҳуқуқ соҳаси Ўзбекистон мустақилликка эришиши муносабати билан ҳамда демократик, ҳуқуқий, дунёвий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган йўлнинг танланиши, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилиши, халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари тан олинishi муносабати билан тубдан қайта ислоҳ этилаётган соҳалардан бири ҳисобланади. Бу шу билан изоҳланадики, янги, мустақил, демократик суд-ҳуқуқ тизимисиз мамлакатда тўлақонли ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётни тасаввур этиш мумкин эмас. Бу, айниқса, маъмурий-буйруқбозлик бошқарув тизимидан воз кечиш ҳамда ривожланган бозор иқтисодиётига эга, қонун устуворлиги, шахс, оила, жамият, давлат ҳуқуқ ва манфаатларининг таъминланиши, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, қонунга итоаткор фуқароларни тарбиялаш, ушбу давлатнинг энг муҳим мақсади ва воситаси ҳисобланадиган чин маънода демократик,

хукукий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида қарор қабул қилганидан сўнг катта аҳамият касб эта бошлади.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Мустақил Ўзбекистоннинг жиноят қонунчилигини ислоҳ этиш бир масалага ойдинлик киритишни талаб қилар эди: янги қонунчиликни яратиш ёхуд амалдаги қонунларни такомиллаштириш. Ушбу масала бежизга кўтарилмаган эди. Замонавий ҳукукий негизни яратиш (энг асосийси, инсонлар онгидан эски тоталитар тузумнинг стереотипларини чиқариб ташлаш) орқали янги давлатчиликни барпо этишга қаратилган сиёсий иродани амалга ошириш зарур бўлган ўтиш жараёни шароитларида, қонунчиликни такомиллаштириш нисбатан афзал эди, зеро бу янги шароитларда ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ҳамда уларнинг жиноят-ҳукукий муҳофаза қилиш заруриятини прогнозлаштиришда хатоларнинг олдини олишга имкон берар эди. Шу билан бирга, бундай ёндашув «социалистик» даврда ўта даражада обрўсизланиб қолган эди, чунки жиноят қонунига киритилаётган ўзгартиш ва кўшимчалар, одатда, конъюнктура тусига эга эди. Жиноят кодекси ҳокимият партия тузилмалари ва идоралари томонидан нисбатан утилитар, сиёсий бошлиқларнинг жиноятчилик билан курашни намойиш этиш мақсадида бериладиган ҳар қандай кўрсатма ва сўзларига дарҳол муносабат билдирадиган нарса деб кўрилган, ваҳоланки, бу кураш амалда юзаки бўлган. Бундан ташқари, бу ўзгаришлар уларни қабул қилиш вақтида ҳукмрон бўлган турфа хил назарий концепцияларни акс эттирган, шу сабабли, Жиноят кодексининг айрим моддалари мазмуни кўп маротаба, баъзан мутлақо қарама-қарши ўзгаришларга дуч келганига ажабланмаса ҳам бўлади. Шу ва бошқа ҳолатлар мазкур ёндашувдан воз кечишни тақозо этди.

Мустақил Ўзбекистондаги жиноят-ҳукукий ислоҳотлар, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос бўлган жиноят ва жазолар тўғрисидаги қонунчиликни яратишни назарда тутар эди, зеро, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади». Хуллас, сўз, жиноятчилик билан курашда жиноят-ҳукукий воситалар самарадорлигини оширишнинг имконини берадиган жиноят қонунчилигини яратиш ҳақида борар эди, зотан, бу бевосита мақсад – ҳар бир содир этилган жиноят бўйича жиноят-ҳукукий нормалардаги талаб ва тақиқларнинг бузилишига йўл қўйган ҳар қандай шахсга нисбатан жазоловчи қонуннинг муқаррар қўлланиши амалга оширилишини таъминлар ҳамда жиноят сиёсатининг истиқболдаги мақсади – жиноятчилик пасайиб боришига ҳукукий асос сифатида хизмат қиларди.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Жиноят-ҳукукий ислоҳотлар жараёнида ҳал этилиши зарур бўлган устувор вазифалар сирасига, хусусан, қуйидагилар киради: Ўзбекистон Конституцияси ва халқаро ҳуқуқда мустаҳкамланган нормалар тизимининг акс этирилиши; давлатда шаклланган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, этномаданий, конфессионал ва маънавий-маърифий аҳвол мақбул равишда акс этиши; давлатчилик ва ижтимоий муносабатлар тараққиёти истиқболлари, уларнинг жиноят-ҳукукий муҳофаза этилиши мақсадга мувофиқлиги инобатга олиниши; юридик шахслар ва фуқаролар фаолияти ҳамда турмушига жиноят-ҳукукий «аралашув»нинг мақбул чегараси; ижтимоий муносабатларни ҳукукий тартибга

солишда тўпланган тажриба ҳисобга олиниши ҳамда аввалги жиноят қонунчилиги ва уни қўллаш амалиёти афзалликларининг мерос қилиб олиниши; жиноятчилик динамикаси ва тузилишидаги асосий тенденциялар, шунингдек замонавий жиноят сиёсатидаги демократик ва иқтисодий ўзгаришларнинг муқаррарлигини таъминлашга қаратилган энг муҳим асослардаги ижобий ўзгаришлар акс эттирилиши; ижтимоий фикр, ҳуқуқий онг ва қонунга итоаткорлик даражаси, ҳуқуқий маданият аҳволининг инобатга олиниши; илмий-назарий ишланмалар ва тавсиялар имкон қадар тўлиқ шакл-да қабул қилиниши; халқаро қонун ижодкорлиги тажрибаси ва халқаро ҳуқуқда умумий тан олинган жиноят-ҳуқуқий нормалар ҳисобга олиниши; жиноий репрессиянинг ҳақиқий ижтимоий-регулятив имкониятлари инобатга олиниши; жиноят қонунчилигининг ҳақиқатда амалга оширилиши мумкин вазифалари белгиланиши; максимал даражада расмийлашув; жиноят ҳуқуқи принципларининг аниқ белгиланиши.

Жиноят-ҳуқуқий ислохотларнинг ушбу мақсад ва вазифаларини барча институт ва нормаларни жиноят қонунчилиги вазифаларини адо этишга аниқ йўналтирган ҳолда шакллантириш; жиноят ҳуқуқи принципларини қонун моддалари, боблари ва бўлимларида максимал равишда рўёбга чиқариш ва конкретлаштириш; криминаллаштириш ва декриминаллаштириш асосларини ҳисобга олиш; криминаллаштириш принципларини комплекс ва тизимли равишда қўллаш; жавобгарликни қилмиш ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра дифференциациялашган, ижтимоий ва криминологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳолда белгилаш; давлат ва халқ учун ўта муҳим ва қадрли бўлган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилган ҳамда жиноий рецидивга йўл қўйган шахсларга нисбатан қаттиқ жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини сақлаш; жиноят қонунида қўлланадиган институтлар ва жиноят таркиблари тушунчалари билан жиноят ҳуқуқининг сиёсий ва ижтимоий моҳияти ўртасида мақбул мутаносибликни таъминлаш; давлат ва жамият турмушининг турли соҳаларида ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган аввал қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунларида мавжуд талаб ва тақиқларни инобатга олиш; қонунчилик техникасидан фойдаланиш; қонунчилик иборалари аниқлигини таъминлаш мақсадида қонун тилига нисбатан талабларни инобатга олиш; қўлланиладиган атамаларни бир хиллаштириш; тергов-суд ихтиёрига ҳавола қилиш ҳолларини мақбул доирада қамайтириш ва бошқалар орқали амалга ошириш мумкин.

Мақсад ва вазифалар рўёбга чиқиши ва тўлақонли амалга оширилиши кўп жиҳатдан мустақил Ўзбекистоннинг жиноят қонунчилиги умумий характери ҳақидаги масалани тўғри ҳал этишига боғлиқ эди, чунки бу ерда иккита ёндашув мавжуд бўлган. Шу билан бирга, бу борада бир масалага ечим топиш зарур эди, яъни нисбатан юқори ижтимоий хавфли бўлган хулқ-атвор учун жиноий жавобгарликни белгилаш ва шунга мос равишда ўта қаттиқ таъсир чораларини назарда тутадиган кичикроқ жазо тизими билан чекланиб, «компакт» қонунни лойиҳалаштириш ёки «нисбатан кам» аҳамиятга эга ижтимоий муносабатларга тажовуз қиладиган хулқ-атвор устидан давлат ва жамият назоратини амалга оширишга имкон берадиган кодексни ишлаб чиқиш. Бу масалани ҳал этишда, биринчи ёндашувнинг маълум даражада ижобийлигига қарамасдан, унинг афзалликларини «йўққа чиқарадиган» бир қатор салбий жиҳатлар ҳам инобатга олинган. Унинг асосий камчилиги ўта радикалигида эди, зеро, «кичик», бироқ ўта қаттиқ кодекснинг лойиҳалаштирилиши, узоқ йиллар давомида шаклланган жиноят ҳуқуқининг

бир қатор асосий қоидаларини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб этар эди. Бу, ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан жиноятчилик билан курашнинг анча шаклланган ва апробациядан ўтган шакл ва услубларини қайта кўриб чиқиш бўйича жиддий ҳаракатларини талаб этар эди, чунки мос равишда бошқа ҳуқуқ соҳалари – жиноят-процессуал, маъмурий, тезкор-қидирув, жиноят-ижроия ҳуқуқи ва бошқаларнинг ҳуқуқий асосларини қайта кўриб чиқишни тақозо этар эди. Бундан ташқари, криминаллаштирилаётган қилмишлар доираси масаласини ҳал қилишда криминализация ҳуқуқий принципларининг барчасини, айниқса, тизимли-ҳуқуқий гуруҳни инobatга олишнинг имкони бўлмас эди, бу эса, самарадорлиги паст ёки ижтимоий жиҳатдан номақбул қонун қабул қилиниши хавфини ошириши мумкин эди. Бу, шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятлар билан курашиш самарадорлигини пасайтириши ҳам мумкин эди, ушбу жиноятлар туркумига нафақат анъанавий тарзда умумий жиноятлар сифатида тан олинадиган қилмишлар, балки барча эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган деликтлар киритилар эди. Уларнинг барчаси ёки катта қисми муқаррар тарзда маъмурий адлия соҳасига киритилар эди, ваҳоланки мазкур ҳуқуқий чораларнинг самараси замонавий босқичда жиноят-ҳуқуқий тусдаги чораларга нисбатан анча паст. Айни дамда ҳар қандай радикализм, шу жумладан, қонунчилик жараёнида ҳам, бу – инқилобдир. Бироқ, жаҳон тарихий тажрибаси далолат бераётганидек, инқилоблар, ижтимоий-ижобий натижаларга олиб келмайди, аксинча, жамиятни орқага ташлайди, унинг тараққиётини тўхтатиб, жуда узоқ вақт давомида бартараф этилиши қийин бўлган катаклизм ва тўнтаришларга етаклайди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: «... биз мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш масалаларида турли инқилоблар ва ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларига қаршимиз... Маълумки, инқилоблар, одатда, ҳамма даврларда ҳам зўравонлик, қон тўкиш ва аждодлар яратган барча нарсани жоҳиллик билан вайрон қилиш воситаси ва кулоли бўлиб келган... биз тадрижий, яъни эволюцион изчиллик хусусиятларига эга бўлган ислоҳот ва ўзгаришлар тарафдоримиз. Фақат бу янгиланишлар ижтимоий муносабатлар ва турмуш тарзининг ўзгариши, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилиши даркор».

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов бошлаб берган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мақсади: бир тарафдан – суд ҳокимияти мақомини, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишининг энг муҳим кафолати сифатида мустаҳкамлашда; бошқа тарафдан – чинакамига судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда уларнинг ролини юксалтиришда намоён бўлади.

### **МУҲОКАМА**

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, энг аввало, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, миллий қадриятларимизга асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган. Шу нуқтаи назардан давлатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар давлат ва жамият ҳаётида янги ҳуқуқий негизни шакллантириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонунчиликка изчил риоя қилиш заруратини юзага келтирди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотлар қаторида жиноят қонунчилиги ҳам ислох қилинди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари орасида биринчи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги 16-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қабул қилиниб, у 1995 йил 1 апрелдан қонуний кучга кирди.

Шу билан бир қаторда суд-ҳуқуқ соҳасини ислох қилиш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, мамлакат жиноят қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш соҳаларида илгари қадам босилди. Жумладан, 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун либераллаштириш сиёсатининг муҳим таркибий жараёнларини бошлаб берди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексининг аксарият жиноят таркиблари бўйича санкциялар енгиллаштирилди, уларнинг 26 тасидан қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо чоралари чиқариб ташланди, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифаси 86 тадан 196 тага кўпайди, шунингдек ушбу Қонун билан амалдаги Жиноят кодексининг 105 та моддасига жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши юзасидан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Жиноят кодексида белгиланган жиноятлар таснифи тубдан ўзгарди. Оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди, жиноий жазо тизимидан айрим жазо турлари (мол-мулкни мусодара қилиш) чиқарилиб, жазо тизими янада либераллаштирилди.

Бундан ташқари, ушбу қонун билан жиноят қонунчилигида ярашув институтининг жорий этилиши ҳалқимизга хос бўлган кечиримлилик, инсонпарварлик, бағрикенглик каби азалий қадриятларимизни жиноят қонунчилигидаги ифодасини янада мустаҳкамлади. Мазкур институтнинг жиноят қонунчилигига киритилган даврдан бошлаб бугунги кунга қадар такомиллаштирилиб борилиши натижасида бугунга келиб ярашув институтни қўллаш имконияти 26 та модда (32 та жиноят таркиби) дан 44 та модда (60 та жиноят таркиби)га кўпайгани ҳамда ўтган давр мобайнида 160 мингдан ортиқ шахслар ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинганлиги жиноят қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш соҳасида улкан қадам ташланганлигини билдиради.

Жиноий-ҳуқуқий соҳада амалга оширилган ислохотлар орасида Ўзбекистон Республикасининг «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2007 йил 11 июль қонуни муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда жиноий жазолар тизимини либераллаштириш борасида туб бурилиш ясади десак, муболаға бўлмайди. Чунончи, 2008 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан ўлим жазосини чиқарилиши билан нуфузли хорижий экспертларнинг таъкидлашича, мамлакатимизда дунёдаги энг либерал жиноий жазо тизимларидан бирига асос солинди.

Зеро, бугун қонунчилигимизда умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси ҳисобланиб, фақат иккита турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖК, 97-модда) ва терроризм (ЖК, 155-модда) учун таъинланиши назарда тутилган. Ушбу жазо тури хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга етмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланиши мумкин эмас.

Жамиятимиз ҳаётига ахборот-коммуникация технологияларини жадаллик билан кириб келиши барча тармоқ ва соҳаларнинг ривожланишига замин яратди. Шу билан биргаликда ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятларидан эзгулик мақсадларида эмас, балки ёвуз ва ғараз мақсадларда фойдаланилишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасидаги қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2007 йил 30 ноябрь қонунда компьютер тизимларидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ хавfli қилмишлар жиноят деб белгиланди ҳамда амалдаги Жиноят кодекси «Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар» номли янги XX<sup>1</sup> боб билан тўлдирилди.

2012 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга кўра, Жиноят кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳаси ва жиноий жазо тизимини либераллаштириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг изчил давоми бўлди.

Ушбу қонун билан киритилган ўзгартишлар, энг аввало, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни либераллаштиришда ўз ифодасини топди, Жиноят кодексига судланганликнинг олиб ташланишини либераллаштириш бўйича янги норма ва шунингдек, анча, кўп, кўп бўлмаган, жуда кўп миқдор тушунчаларига ўзгартишлар киритилди.

Шунингдек, 2014 йил 20 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни билан Жиноят кодекси терроризмга қарши курашиш чораларини таъминлаш, тайёрланаётган ёки содир этилган террористик ҳаракатларга оид фактлар ва маълумотлар тўғрисида хабар қилмаган шахсларга жиноий жавобгарлик чораларини қўллаш самарадорлигини оширишга қаратилган «Тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик», деб номланувчи 155<sup>1</sup>-модда ҳамда террористик фаолиятни амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтганлик учун жавобгарлик чораларини қўллаш самарадорлигини оширишга қаратилган «Террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш» деб номланувчи 155<sup>2</sup>-моддалар билан тўлдирилди.

Мамлакатимизда иқтисодий, хусусан, молиявий, хўжалик муносабатларининг тез суръатлар билан ривожланиб бориши порахўрлик жиноятларининг содир этилиш усулларининг такомиллашувига олиб келиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят

кодексининг 211 (Пора бериш) ва 212 (Пора олиш-беришда воситачилик қилиш)-моддаларининг матни янги таҳрирда қабул қилиниб, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш учун жавобгарликни назарда тутувчи нормалари такомиллаштирилди.

2014 йил 10 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга кўра, Жиноят кодексининг 144-моддаси «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» янги таҳрирда қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида назарда тутилган жазо тизими «Озодликни чеклаш» деб номланувчи янги жазо тури билан тўлдирилди. Жиноят қонунчилигига мазкур жазо тури киритилиши муносабати билан амалдаги Жиноят кодекси Умумий қисмининг 13 та моддасига, ушбу кодекс Махсус қисмининг 156 та моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши жинойий жазо тизимининг янада либераллашувига олиб келди.

2015 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлари билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 27 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги, 3 та модда янги таҳрирда қабул қилинганлиги, 1 та модда чиқарилганлиги, шунингдек 11 та моддадан иборат XIII<sup>1</sup> боб «Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар» билан тўлдирилганлиги ушбу жиноятларга қарши курашнинг жинойий-ҳуқуқий чораларнинг такомиллашувига замин яратди.

### ХУЛОСА

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жамият тараққиёти, фан-техника ривожланиши ва бошқа замонавий ўзгаришлар инобатга олиниб, ўзгартишлар, жумладан, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимояси, инсонпарварлик ва демократизм принципларининг амалда ижросини таъминловчи янги нормалар киритилди.

“Агар ҳамма бирдек жон куйдириб, оилалар муаммоларидан тўлиқ хабардор бўлиб, уларни ҳал этишга кўмаклашган, жиноятчиликнинг барвақт олдини олганда эди, бугун натижалар умуман бошқача бўларди. Афсуски, жиноятчиликка қарши курашишда ҳалигача эскича ишлаш тизимидан воз кеча олмаяпмиз. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар бу фаолиятга кўрсаткичларни олдинги давр билан таққослаш орқали баҳо бериб келмоқда. Аслида битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак” - дейди Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев.

### REFERENCES

1. Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. – Б. 39;
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2005 йил 28 январь. / Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Асарлар, 13-жилд.– 183–184-бетлар;
3. <http://old.adolatnashr.uz/page/uzbekiston-zhinoyat-konunchiligi-yaratilishi-tarihi-bugungi-kuni-rivozhlanishi-istikbollari>;
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1995. – № 1. – 1-м;
5. <https://kun.uz/17729101> .
6. Юсупова Ф. СТАТЬЯ 40 КОНСТИТУЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН КАК ГАРАНТИЯ РЕПРОДУКТИВНЫХ ПРАВ ГРАЖДАН //Review of law sciences. – 2020. – Т. 3. – №. Спецвыпуск. – С. 60-65.
7. ТЕЛЕМЕДИЦИНСКИХ, ИСТОРИЯ РАЗВИТИИ И. ПРИМЕНЕНИИ, and ТЕХНОЛОГИЙ В. РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН. "GOSPODARKA I INNOWACJE."